

## Европаликларнинг Ибн Рушддан олган фойдаси



14:46 / 15.01.2024 1648

Тарихчи ва адиба Бэтани Хьюгс шундай дейди:

**«Қадимги юнон файласуфи Арастунинг китоблари университет таълимида муҳим ўрин тутди, чунки Арасту оқилона изоҳ, соғлом ақл, мантиқ ва далиллар каби тушунчалар ҳақида ёзар эди».**

Бу тушунчалар ғарбий Европанинг рационал илмий тадқиқотларга асосланган цивилизацияга айланишида асос вазифасини ўтади. Бироқ Арастунинг асарларини ўқиб, тушуниш учун ғарбий европаликларга бу иш билан аввал шуғулланганларнинг ёрдами керак бўлди.

**«Арастунинг асарларини ўқиб тушуниш ниҳоятда қийин эди. Етук мутахассиснинг ёрдамисиз уларни тушуниш ва талқин қилишнинг деярли иложи йўқ эди».**

Арастунинг асарларини ўқиб тушунишда европаликларга араб файласуфи Ибн Рушднинг таржималари ёрдам берди. Европаликлар уни Аверроэс деб аташади.

Лондон университетети, профессор Чарльз Барнет айтади:

**«Таржимонлар Толедода иш билан машғул бўлган пайтда Ибн Рушд европага яқинроқда, Куртубада, мусулмон Испаниясида эди ва айнан Арастунинг асарларига ҳошиялар ёзаётган эди. Арасту жумлаларни жуда қисқа тузар, кўп нарсани тушириб қолдирарди, шунинг учун унинг матнларини изоҳсиз тушуниш жуда қийин эди. Бироқ Ибн Рушд уни ҳаммадан яхши тушунар эди».**

***«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди***

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 30 ноябрь 03-07/9089-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*